

SEWING AND TEXTILE COMPANIES: ROLE OF INTERNATIONAL QUALITY MANAGEMENT IN EXPORT PROMOTION

Humoyun Kadyrov¹

¹Doctorate of Namangan Engineering Technology Institute
Uzbekistan, 160115, Namangan city, Kosonsoy street, 7

Email: x.kadirov92@mail.ru

Abstract: The article examines the issues of introducing international quality management in light industry, including in the garment and knitwear industry, examines the positive experience in this matter accumulated in the Andijan region, especially in the provision of standardization and certification of products to assess their compliance, as well as metrological requirements. The activities of enterprises that have implemented quality management are analyzed and the economic efficiency of their work is determined. The conclusions and proposals for further strengthening the methodological and scientific research of this problem are presented.

Keywords: Export potential, international quality management, standardization, certification, metrology, export, import, accreditation, technical regulations, certificate of conformity.

ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИНГ ЎРНИ

Қодиров Хумоюн Толибжон ўғли¹

¹Наманган муҳандислик технология институти докторанти
Ўзбекистон, 160115, Наманган шаҳар, Косонсой кўчаси, 7

Email: x.kadirov92@mail.ru

Аннотация: Мақолада енгил саноат, жумладан, тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини оширишнинг бош омили бўлган – халқаро сифат менежменти жорий этишнинг илмий-услубий масалалари ва амалий тажрибалар таҳлил этилган. Мақолада соҳадаги муаммолар Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган “Андижон синов ва сертификациялаштириш маркази”нинг “Маҳсулотларни экспорт қилишга қўмаклашиш” бюроси томонидан амалга оширилаётган ижобий ишлар ўрганилган. Улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар самарадорлиги ҳам аниқланган. Шу билан бирга мавзуга оид муаммолар ечими бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: Экспорт салоҳияти, халқаро сифат менежменти, стандартлаштириш, сертификациялаштириш, метрология хизмати, экспорт, импорт, аккредитация, техник регламент, мувофиқлик сертификати.

Кириш

Халқаро сифат менежменти тизимини жорий этилиши, ҳозирги даврда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тикув-трикотаж маҳсулотлари ассортиментини янада диверсификация қилиш ва юқори қўшимча қийматли брендлар экспортини кўпайтириб, “UzTextile” бренди билан жаҳон бозорларига кириб боришни асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186 сонли “Тўқимачилик ва тикув-

трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида[1] "Ўзстандарт" агентлиги ва "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси билан биргаликда: тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларига ва уларни синовдан ўтказиш усулларига халқаро стандартлар рўйхатини белгилаш ва уларни босқичма-босқич қабул қилиш жадвалини тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигига эришишнинг асосий омилларидан бири сифатида корхоналарда маҳсулот сифатини ошириш ва бошқариш масалалари кўплаб хорижлик олимларнинг илмий ишларида ёритилган ҳамда асослаб берилган. Хусусан, маҳсулот сифатини белгилаб берувчи омилларни ўрганиш масаласи хорижлик олимлардан П. Самуэльсон илмий ишларида ўрин олган [2].

Г.Г. Азгальдов тадқиқотларида корхона сифатини бошқариш тизимига назарий ёндашувлар ва уни баҳолаш воситалари ўз аксини топган [3]. Турли тармоқ ва соҳа корхоналарида сифатни бошқариш тизимининг амалий жиҳатлари В.В. Бузырев [4] ва В.В. Окрепиловнинг[5] илмий ишларида янада чуқурроқ таҳлил этилган. Корхоналарда сифатни бошқариш тизими концепциясининг назарий ва амалий жиҳатлари ўртасидаги ўзига хос ўзаро боғлиқликлар В.Г. Версаннинг тадқиқотларида ўрганилган [6].

Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари сифати ва экспортини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар Р.К.Ахмедов, Р.В.Абдуллаев, М.Р.Болтабоев, З.Д.Одиловалар томонидан докторлик диссертациялари даражасида олиб борилган. М.Р.Болтабоев Ўзбекистон тўқимачилик саноатини иқтисодий ривожлантиришнинг маркетинг концепциясини шакллантириш, ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт имкониятларини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борган [7].

З.Д.Одилова ўз тадқиқотида Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган халқаро маркетингнинг илмий концепциясини ривожлантириш ҳамда халқаро бозорларнинг жозибадорлигини баҳолаш услубиятларини такомиллаштириш асосида миллий маҳсулотларни ташқи бозорларга йўналтиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишни мақсад қилган [8].

Бундан ташқари тўқув маҳсулотлари сифати ва экспортининг илмий муаммолари фан номзодлик диссертациялари даражасида бир қатор илмий изланувчилар, жумладан, Х.И.Холиқова, У.А.Расулов, Г.А.Кариева, Н.Н.Турсунов, Бе Янг Сонг, С.Э.Аъзам, У.И.Мараимова, Д.М.Мирзахалилова, Г.Э.Захидов, З.Хакимовлар томонидан тадқиқ этилган. Янг Сонг Бе Жанубий Корея корхоналари тажрибасидан фойдаланиб, тўқимачилик соҳасидаги ички кооперацияни ривожлантириш мақсадида технологик жараёнларни ўзлаштирадигани таъминлашни амалга ошириш учун маҳсулотларни бўйлаб каби технологик жараёнларни кластер тизимига унумлаштиришни;[9] Д.М.Мирзахалилова тўқимачилик саноати рақобатбардошлигини оширишда кластерлаштиришнинг соҳалар аро кооперациясини ўзаро яқин тармоқларни жалб қилган ҳолда амалга оширишни назарий-услубий томондан асослаганлар[10]. Г.Э.Захидов Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги муаммоларини тадқиқ этиш натижасида тармоқлар аро вертикал интеграциялашган кластерни шакллантириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиққан[11]. З.Хакимов юқорида қайд этилган муаллифлар илмий йўналишларидан фарқли равишда вертикал йўналишдаги маълум

бир ҳудуд (шаҳар, туман)да жойлашган ягона технологик занжирда бўлган пахтани бирламчи қайта ишлашдан токи юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар даражасига етказиш ва шу жараёнга инновацион хизматлар кўрсатувчи субъектлар (таълим, фан, инженеринг, дизайнерлик ва консалтинг) ҳамда чакана ва улгуржи савдосини ҳам ўз ичига олувчи кластер моделини илмий асослаган ва амалиётга татбиқ этиш услубларини яратган[12].

Умуман ҳозиргача тўқимачилик маҳсулотларини экспорти ва соҳага халқаро сифат менежменти тизимини жорий қилиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларни бизнинг фикримизча асосий камчилиги шундан иборатки, улар муаммоларни макро даражада энг камида тармоқ бўйича тадқиқ этганлар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари сифати ҳамда экспортини илмий ва амалий муаммолари асосан микро даражада – корхонада аввало, уларнинг бозор фаолиятига инновацион маркетинг стратегияларини жорий қилиш асосида экспорт соҳасида мувафаққиятга эришиш масалалари тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологияси сифатида тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш омилларидан асосийси бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнига халқаро сифат менежменти тамойилларини аниқлаш ва ечимини топиш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқишга маркетингнинг “дала” ва “панель” тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда жараёнли ва тизимли ёндашиш усули танланди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги шароитда корхоналарда маҳсулот сифатини бошқаришнинг меъёрий-ҳукукий базаси мавжуд бўлишига қарамасдан, уларни амалиётга жорий этиш ва самарадорлигини оширишнинг услубий ва ташкилий асосларини мукамал ҳолда ишлаб чиқиш ва иқтисодий асослаб бериш талаб этилмоқда.

Масалан, “Андижон синов ва сертификациялаштириш маркази”нинг “Маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашиш” бюроси томонидан 2018 йилда қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ-2935-сонли қарорида[13] белгиланган устувор вазифалар ижроси юзасидан, экспорт фаолиятига янги 88 та корхоналар жалб қилиниб, жами экспортёр корхоналар сони 193 тага етказилишида кўмаклашилди (2017 йилда 105 та экспортёр корхона бўлган). Шундан:

- Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи – 74 та
- Чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи – 8 та
- Машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи – 13 та
- Қурилиш моллари ишлаб чиқарувчи – 16 та
- Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи – 29 та
- Мева-сабзавот ва озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи – 53 тани ташкил қилади.

2018 йилда МЭҚКБ вакили томонидан 240 та корхоналарга маслаҳат хизматлари кўрсатилди. Шундан соҳалар бўйича:

- 37 та метрология;
- 72 та стандартлаштириш;
- 25 та сертификатлаштириш;
- 56 та СМТни сертификатлаштириш;
- 44 та қадоқлаш ва ёрлиқлаш;

6 та бошқа масалаларда.

Балиқчи туманида фаолият юритувчи экспортёр корхона "Шох Акбар" масъулияти чекланган жамиятига O'zDST ISO 9001:2015 сифат менежмент тизими сертификатланишида амалий ёрдам берилди ва 2018 йилнинг 09 апрелида Uz.SMT 04 021.09337 - сонли сертификат орқали Туркия ва Хитой давлатларига экспортига кўмак берилди.

Шахрихон туманида фаолият юритувчи экспортёр корхона "Саховат текс" масъулияти чекланган жамиятига O'zDSt ISO 9001:2015 сифат менежмент тизими сертификатланишида ва 2018 йилнинг 7 августдаги UZ.SMT.04.021.09382 рақамли сертификат тақдим этилиши орқали корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган калава ип маҳсулотлари Россия Федерациясига экспортни амалга оширишга эришилди.

Жалақудуқ туманида фаолият юритувчи экспортёр корхона "Курган текс" масъулияти чекланган жамиятига кўрсатилган маслаҳат хизматлари натижасида O'zDSt ISO 9001:2015 сифат менежмент тизими сертификатланишида амалий ёрдам берилди, 2018 йилнинг 8 августдаги UZ.SMT.04.021.09383 рақамли сертификат тақдим этилди ва Хитой давлатига экспорт қилинишида кўмаклашилди.

"Хўжаобод фазо" масъулияти чекланган жамияти томонидан 20 хилдаги трикотаж маҳсулотлари Россия, Украина, Қирғизистон республикаларига экспорт қилинмоқда. Жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларини ГОСТ ISO 3758-2014 «Изделия текстильные. Маркировка символами по уходу» халқаро стандарти асосида ёрлиқланишида кўмаклашиш ҳамда корхонада ИСО 9001:2015 халқаро стандарти талаблари асосида сифат менежмент тизимини сертификатланиши натижасида жорий йилнинг ушбу даврига қадар Молдова Республикасига 168 минг АҚШ долларилек 7 хилдаги трикотаж маҳсулотлари экспорт қилинишида ва корхонанинг экспорт географияси ортишига эришилди.

Вилоятдаги экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига халқаро стандартларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида 114 та корхоналар Бирлашган миллатлар ташкилоти Европа Иттифоқи комиссиясининг халқаро стандартлари ва Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ФАО/ВОЗ) "Кодекс Алиментариус" озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича қабул қилинган стандартлари билан таъминланди. Ушбу FVV халқаро стандартлар талаблари, жумладан маркировка қилиш бўйича ёрликда жўнатувчи, геокод (UZ-AN), маҳсулот номи, нави кўрсатилиши, қадоқланишда эса маҳсулотни сақланишини таъминлаб берадиган тоза ҳар қандай ўрамларларда бўлиши, саралаш ва калибрлаш талабларини жорий этиш орқали экспорт географиясини ортиши ва Европа бозорига киришга имкон яратилиши корхоналарга тушунтирилди.

Кўпчилик корхоналарга кўрсатилган маслаҳат хизматлари асосан Стандартлаштириш соҳасида бўлиб:

- Техник регламентни жорий этиш шартлари бўйича;
- "Енгил саноат маҳсулотлари хавфсизлиги" тўғрисидаги умумий техник регламенти талаблари бўйича;
- Халқаро стандарт бўйича сертификатлаштириш тўғрисида;
- ИСО 9001-2015 халқаро стандарти ва СМТ жорий этишнинг афзалликлари ва имтиёзлари ҳақида;
- Халқаро синов методларини жорий этиш шартлари бўйича;

- Халқаро стандартлар бўйича синов ўтказиш, хорижий аккредитация органининг талаблари бўйича;
- Синов лабораториясини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида;
- UZ. TR. 148-008:2016 техник регламенти асосида мувофиқлик сертификати олиш тўғрисида;
- Маҳсулот учун меъёрий ҳужжат олиш бўйича;
- Маҳсулотни меъёрий ҳужжат билан таъминлаш, шунингдек қайси кўрсаткичлар бўйича синаш зарурлиги тўғрисида тушунчалар берилмоқда.

Юқоридаги тадбирларни таҳлил этиш ва корхоналар амалиётини ўрганиш натижасида, муаллиф томонидан маҳсулотларни экспорт қилиш ва савдо жараёнларидаги асосий муаммолар ва техник тўсиқлар ўрганилди ва қуйидагилар аниқланди:

Мавжуд муаммолар	Муаммоларни бартараф этиш бўйича бажарилган ишлар
- Экспортёр ва импортёр давлатларда маҳсулотлар учун меъёрий ҳужжатлардаги нормаларнинг бир хил эмаслиги; - Қабул қилинган "Енгил саноат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламентнинг баъзи хавфсизлик кўрсаткичлари, меъёрлар ва синов услубларини кўзда тутилмаганлиги;	Ушбу муаммони бартараф этиш бўйича "Ўзстандарт" агентлигига тегишли таклифлар киритилди. Маҳсулотларни сертификатлаштиришда, шу жумладан, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнларида, синов ишлари амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар (ГОСТлар)да белгиланган меъёрлар ва синов услублари бўйича қўлланилмоқда
"Енгил саноат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламентнинг 1-иловасида, 2- ва 3- қават трикотаж кийимларнинг биологик хавфсизлиги (ҳаво ўтказувчанлиги, юза электр қаршилиги, гигроскопиклиги) бўйича меъёрлар белгиланмаган. Шунингдек, 1-чи илопада кийимлар учун бўялган мато ва газламаларнинг "бўёқни мустаҳкамлиги" кўрсаткичи ва меъёрлари киритилмаган, Россия Федерациясининг тегишли техник регламентида (ТР-ТС 017) кўрсаткичи киритилган. - Аккредитацияланган синов лабораторияларда техник регламентларга кўра киритилган хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича синовларни тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги; - Ишлаб чиқарувчи корхоналарда мувофиқликни баҳолаш (стандартлаштириш, метрология ва синов ишлари) бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги; - Ишлаб чиқарувчи корхоналарда, мувофиқликни баҳолаш идораларида ва аккредитацияланган синов лабораториялари фаолиятида халқаро стандартларни етарли даражада жорий этилмаганлиги.	Мисол учун: "Ифат Текстил" МЧЖ томонидан Қирғизистон Республикасига экспорт учун тайёрланган пайпоқ маҳсулотини "Енгил саноат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Техник регламент талаби бўйича синовдан ўтказилди, шунингдек, буюртмачининг мурожаатига кўра қўшимча равишда "бўёқнинг мустаҳкамлиги" кўрсаткичи бўйича ҳам синовлар ўтказилиб, маҳсулотга мувофиқлик сертификати берилди. Техник регламентларга киритилган хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича синовларни тўлиқ ўзлаштириш юзасидан чора-тадбирларини кўриш бўйича АСЛга расмий хатлар чиқарилди. Корхоналар билан тузилган қўшма чора-тадбирларга мувофиқ, корхоналар мутахассисларини СМСИТИда малака ошириши бўйича таклифлар берилди, шунингдек, Андижон ССМ-ДКнинг синов лабораторияларида ва бўлимларида қисқа муддатли амалиётдан ўтиб, малака оширишлари ташкиллаштирилмоқда. Вилоятдаги 193та ишлаб чиқариш корхоналарига 109та - синовлар, 85та - маҳсулот учун халқаро стандартлар берилди, уларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Андижон ССМ-ДКнинг "Физик-кимёвий, физик-механик синов лабораторияси"нинг аккредитация соҳасига жами 601та синов услублари киритилди, шундан, 42та ХС бўйича, машинасозлик ва электротехника маҳсулотларини синаш лабораториясида, 24та синов услуби халқаро стандартлар бўйича киритилди.

1-жадвал

Ўзбекистон вилоятлари бўйича 2018 йилгача енгил саноат корхоналарида сифат менежментини жорий этилиши ва унинг экспорт салоҳиятига таъсири¹

№	Вилоятлар	Халқаро ИСО стандарт тизимида сертифицикатлашган корхоналар сони	Уларнинг жами корхоналар сонидagi улуши, %	Жумладан, сертификатланган енгил саноат корхоналари сони	Экспорт (2017 йил)	
					Жами млн. АҚШ доллари	Аҳоли жон бошига АҚШ доллари
1	Қорақалпоғистон Республикаси	233	18,3	36	514,3	279,2
2	Андижон	677	14,4	126	425,7	141,3
3	Бухоро	530	24,5	97	186,9	99,9
4	Жиззах	239	14,7	28	123,4	93,1
5	Қашқадарё	407	20,4	28	281,3	89,3
6	Навоий	456	32,3	43	574,7	599,9
7	Наманган	600	17,7	183	197,7	73,2
8	Самарқанд	1182	38,3	344	330,4	88,8
9	Сурхондарё	353	22,8	77	175,2	69,7
10	Сирдарё	267	25,8	42	158,0	193,7
11	Тошкент вил.	793	15,1	61	53,4	18,7
12	Фарғона	867	19,0	137	487,8	134,7
13	Хоразм	383	18,6	76	122,2	67,7
14	Тошкент шаҳар	1454	13,3	202	282,2	114,5
ЖАМИ		8441	18,7	1480	3913,2	119,8

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятлар ичида халқаро сифатни бошқариш тизими Самарқанд, Навоий, Сирдарё ва Бухорода анча фаол равишда жорий этилмоқда. Енгил саноат корхоналарида ИСО 9001 сифатни бошқариш тизимини қўллаш бўйича Самарқанд, Тошкент шаҳри, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларида кўрсаткичлар қониқарли.

2-жадвал

Андижон вилоятида Сифат менежменти (ИСО-9001) жорий қилинган тикув-трикотаж корхоналарининг экспорти ва самарадорлиги таҳлили²

Корхоналар	Ишчи ходимлар сони (киши)			Асосий капиталга киритилган инвестициялар (млн. сўм)			Экспорт хажми (минг АҚШ доллар)			Маҳсулот сотувидан тушган тушум (млн. сўм)			Соф фойда (млн. сўм)		
	2015	2016	2017	2015	2016	2017	2015	2016	2017	2015	2016	2017	2015	2016	2017
«Nil-Granit» МЧЖ	215	232	202	1125,3	964,0	23648,0	1938,8	2692,4	5359,9	10258,2	14175,7	29940,8	143,6	196,0	7389,9
«Инвест-Текс» МЧЖ ҚҚ	83	92	92	210,5	477,3	0	166,4	296,9	550,0	950,8	1693,9	6409,4	24,7	36,8	85,3
«Хўжаобод Файз-М» ХК	175	200	220	960,6	1,0	10238,0	715,5	1536,2	3105,8	5817,1	12465,8	24931,9	304,5	652,5	829,8
«Хўжаобод Фазо» МЧЖ	139	186	141	536,7	317,9	4510,0	433,4	1474,5	3314,7	2832,7	9587,1	22601,0	38,2	129,5	161,7

¹ “O‘zbekiston hududlarining yillik statistik to‘plami”, O‘zbekiston Respublikasi davlat statistika qo‘mitasi, T. 2018 asosida muallif ishlanmasi

² Корхоналар ҳисоботи асосида муаллиф ишланмаси

2-жадвалдаги таҳлилий маълумотлар асосида, сифат менежментини жорий этиш натижасида, Андижон вилоятидаги тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ва соф фойдасини кескин ошишига эришилганлигини тасдиқланмоқда. Шу билан бирга экспорт ва соф фойда кўрсаткичлари ошишига таъсир этган 2 хил омил – киритилган инвестициялар ва сифат менежментини қанчалик улуши борлигини эконометрик усул билан аниқланади.

Хулоса ва таклифлар

Ҳақиқатда ҳам Президентимиз таъкидлаганидек, халқаро стандартлар талаблари асосида сифат менежменти тизимларини жорий этиш – маҳсулот сифати ва хавфсизлигини гаровидир. Бу эса, ҳозирги ишлаб чиқариш корхоналаримиз маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалиб боришининг бош омили эканлигини англатади. Шунинг учун, халқаро сифат менежментини жорий этиш масаласи, маҳсулотга бериладиган янги халқаро “ISO-9001” номли стандартга эришиш жараёни ўта жиддий ва қийин бўлиб, корхона ва барча бозор субъектлари фаолиятини тубдан янги тизимга ўтказишни талаб этмоқда.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, ишлаб чиқарувчи корхоналарда, халқаро сифат менежменти тизимини жорий этиш жараёнларига комплекс - тизимли ёндашиш масалалари ҳали тўла ҳал этилмаган. Натижада, кўпчилик ҳолларда, корхоналар фақат кўргазма – ярмаркаларда намойиш этиш учун энг юксак сифатли товар намуналарини ишлаб чиқаришга ёки сертификациялаштириш жараёнидагина эмас балки тизимли фаолиятга ўтишлари шарт деб ҳисоблаймиз.

Тикув-трикотаж корхоналарида олиб борилаётган сертификациялаш-тириш жараёнлари ва уларнинг натижаларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш асосида аниқлашимизча, “ISO-9001” “Халқаро сифат менежменти” стандартининг бош стратегияси бўлган – корхонани ишлаб чиқариш (*хизмат кўрсатиш*) жараёнини асосий сифатни шакллантирувчи қисмларга ажратиш ва уларнинг ўзаро ҳужжатлар алмашуви ҳамда ички ишлаб чиқариш босқичларини узвий кетма-кетликда бажарилишини таъминлашдан иборат экан. Аммо мазкур жараёнда, ҳар бир корхонада, бир вақтнинг ўзида стандартлаштириш, метрология, сертификациялаштириш, маҳсулотни стандартга мувофиқлигини баҳолаш ва сифат менежменти – бошқариш ишлари комплекс – тизимли йўлга қўйилиши талаб этилмоқда. Анашу жараёнлардаги кичик ўзулиш ёки эътиборсизлик ҳолати ҳам товарни (*хизматни*) сифатини пасайтириб юбормоқда.

Шунинг учун фикримизча, халқаро сифатни бошқариш тизими жорий этилган корхоналарнинг анчагина қисмида муаммолар қайта-қайта вужудга келиб, ўтказилган тадбирлар кутилган натижаларни бермаяпти. Аммо Ўзбекистонда 2017 йилда фаолият кўрсатаётган 45 мингдан кўпроқ корхоналарнинг атиги 15 фоизигина сертификациялаштирилган холос. Узстандарт агентлиги томонидан жаъми 7737 та сертификат берилган корхоналардан 7387 тасига ISO-9001 сифат менежменти берилди. Қолганларидан эса ISO-14001ни 74 таси, OHSAS-18001ни 97 таси, ISO-22000ни 158 таси, ISO-50001ни 53 таси, ISO/TS-16949ни 42 таси, СМРни 14 таси ва ўйғунлашган МТни – 116 таси олган.

Мазкур ҳолатнинг бир неча сабаблари аниқланди:

- корхонада фаолият кўрсатаётган ҳодимлар – мутахассисларнинг малака ва масъулият даражалари ҳар-хиллиги;

- сифат менежменти аудити вақтида ўтказилмаётганлиги;
- технологик жиҳозлардан фойдаланиш коэффиценти пастлиги;
- малакали дизайнер, маркетинглар, муҳандислар етишмаслиги ва бошқалар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларда тадқиқ этилаётган муаммо ўта долзарблигини ва келажакда илмий тадқиқотларни фаоллаштиришни талаб этади.

References

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 12 fevraldagi PQ-4186 sonli qarori. www.lex.uz
2. Samuelson P. *Ekonomika*. - M.: Infra-M, 1994. S. 41-47
3. Azgaldov G.G., Glichev A. V., Panov V. P. *CHto takoe kachestvo?* — M.: *Ekonomika*, 1968. S. 102-105
4. Buzыrev V.V., CHekalin V.S. *Ekonomika jilishnoy sferiy*. — M.: *Infra-M*, 2001. S. 53
5. Okrepilov V.V. *Prostranstvennoe razvitie i kachestvo*. — SPb.: *Nauka*, 2011. S. 35
6. Versan V. G., CHayka I. I. *Sistemiй upravleniya kachestvom produkcii*. — M.: *Standartinform*, 2008. S. 71-73
7. Boltabaev M.R., "O'zbekiston Respublikasi to'qimachilik sanoati eksport imkoniyatlarini rivojlantirishda marketing strategiyasi". I.f.d. diss.avtoref. T.2005. 37-b.
8. Adilova Z.J., "Xalqaro bozorlarga eksport mahsulotlarini yo'naltirishning marketing strategiyalari". I.f.d. diss.avtoref. T.2008. 31-b.
9. Be YAng Song. "Upravlenie razvitiem tekstilnoy promiyshlennosti na osnove strategii formirovaniya klasterov (na materialax Respubliki Koreya i Respubliki Uzbekistan)". K.e.n. diss.avtoref. T.2008. 44-b
10. D. Mirzaxalilova "Poviyshenie konkurentosposobnosti tekstilnoy promiyshlennosti Uzbekistana na osnove klasterizatsii". K.e.n. diss.avtoref. T.2012. S. 32.
11. Zaxidov G'. "O'zbekiston engil sanoatida ishlab chiqarishni klaster usulida tashkil etish va boshqarish samaradorligi". Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori. diss.avtoref. T.2017. 35-b.
12. Xakimov Z. "Engil sanoat korxonalari raqobatbardoshligini oshirish yo'llari". Monografiya, T.: Iqtisod-2017. 63-69 b.
13. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 28 apreldagi PQ-2935-sonli qarori. www.lex.uz
14. "O'zbekiston hududlarining yillik statistik to'plami", O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasi, Toshkent, 2018.